2009-yil 14-mart № 31 (2600) shanba

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб, боғ яратиш —ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчдир.

Ислом КАРИМОВ

Наврўз — янгиланиш ва бунёдкорлик айёми!

Ховос туманидаги 2500 дан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Ҳуснобод қишлоғида ўрта мактаб, даволаш маскани, алоқа ва почта боғланмаси, ўнлаб савдо дўконлари, сартарошхона, тегирмон, қўйингки, қассобхонагача бор.

Кейинги йилларда 15 кўчада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилди. Сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида 42 гектар ер майдони фуқароларга томорқа сифатида тақсимланди.

Ҳуснобод чирой очаяпти

Аммо қилинажак ишлар ҳали кўп. Жумладан, кўчалардаги қувурларни янгилаб, ҳар бир хонадонни ичимлик суви билан таъминлаш, илгари қурилган уйлар олдидаги пастқам ошхона, молхона-ю товуқхоналарни олиб ташлаш, кўп қаватли турар-жойлар томларини таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказиш, қўрғондаги уйлар атрофини, мактабнинг олди томонидаги бўш ётган ерларни якка тартибда уй солувчиларга бериш, ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик цехларни барпо этишдек муҳим вазифалар турибди.

Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Озода Ҳусанова эски клуб биносида тикувчилик дастгоҳларини ўрнатди. Цех ишга тушгандан сўнг ўнлаб қизлар ишли бўлади.

Ҳудуддаги 42 та фермер хўжалик раҳбарлари ҳозирданоқ кўчаларга кўчат экиб, ўзлари яшаётган гўшани яшил маскангa айлантириш ҳаракатига тушдилар.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Баҳор таровати ҳар гал ўзгача...

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Сурхон воҳасида барча маҳалла фуқаролар йиғини, қишлоқ, гузар, зиёратгоҳ, қабристонлар, йўл ва хиёбонлар, кўп қаватли уйларда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. «Энг обод маҳалла», Энг обод кўча», «Энг обод хонадон» ва «Ободонлаштириш ишларини тўғри ташкил қилган муассаса» йўналишлари бўйича танловлар ўтказилмоқда.

Наврўзга пешвоз

— Вилоятимизда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тузилган. Термиз шаҳридаги хиёбонлар, амфитеатр мажмуаси, «Алпомиш», «Болажон», Бобур номли маданият ва истироҳат боғлари, кўчалар, шунингдек, барча туманларда Наврўз тадбирлари бўлиб ўтадиган майдонларда маданий оқартув ишлари олиб борилмоқда. Наврўз тантаналари олдидан туманлардаги қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширамиз, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Қадимий шаҳарнинг янги қиёфаси

Қўқон шаҳри инфраструктурасини такомиллаштириш, ободонлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирлар бошланганига бир йил бўлиб қолди. Бу вақт ичида шаҳардаги тарихий обидаларни таъмирлаш ишларига астойдил киришилиб, Муқимий номли истироҳат боғида жойлашган «Ўрда»нинг деворлари таъмирдан чиқди. XIX аср тарихий ёдгорлиги ҳисобланган жомеъ масжидининг реконстукция ишлари якунланди.

— Ҳомий ташкилотлар кўмагида катта ишларни амалга оширишга улгурдик, — дейди шаҳар қурилиш дирекцияси раҳбари Аҳмаджон Муродов. — Тарихий обидаларимизни реконструкция қилиш билан бирга шаҳарда тиббий хизмат савиясини ошириш, шифохоналарни зарур шарт-шароит ва техникалар билан таъминлаш ишлари жадал бормоқда. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси Кореядан келтирилган 5 та тез ёрдам машинаси билан таъминланди. Туғруқ уйига 69,6 млн. сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилди. Болалар юқумли касалликлар шифохонаси биносини капитал таъмирлаш учун 500 млн. сўмлик тендер эълон қилинган.

Ичимлик суви таъминоти ва оқава сувлар тизимини яхшилаш соҳасида ҳам қатор тадбирлар бажарилди. Мингтут бош сувхонасида 2 та янги тик артизан қудуқлари бурғуланди ва ишга туширилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнат ва бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳолига 124 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шаҳар банки томонидан тадбиркорларга берилган 12 млрд. 548 млн. сўм маблағ ҳисобидан 487 та янги иш ўринлари яратилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Биохилмахиллик модели

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти ФАО кўмагида «Ўзбекистонда «Факилиту» ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни хабардор қилиш» мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

Унда «Ўрмон бўйича халқаро конгресс» информацион ва «Дард» ҳужжатли филмлари намойиш этилди.

Шунингдек, тадбирда ер юзида ва мамлакатимизда биохилмахилликни сақлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалар муҳокама қилинди.

Ш. ИСКАНДАРОВА

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ҳашар — элга ярашар!

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология ва санъатга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида 7-11 март кунлари ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бунда мактаб-интернат ходимлари ва ўқувчилар фаол иштирок этишди. Мактаб-интернат ҳудудига мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар ўтқазилди, ерларга ишлов берилди.

Шунингдек, ҳашар кунлари Чилонзор туман ҳокимияти томонидан мактаб-интернатга бириктирилган мавзесидаги «Навбаҳор» маҳалла фаолларига тозалик ишларида кўмаклашилди.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА

Ҳарбийлар ҳиммати

Дунё асли меҳрдан яралган. Қутлуғ баҳор кунларида Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйига ҳарбий йигитлар кириб келишди.

— Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси катта лейтенанти Радик Шамғунов, капитан Рустам Ҳамдамов ва лейтенант Азамат Боқиевларнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил топиши ва босиб ўтган шонли йўли, ҳарбийлар ҳаёти ҳақидаги ҳикоялари ўғил-қизларда катта таассурот қолдирди, — дейди мурувват маскани бошлиғич касаба уюшма ташкилоти раиси Моҳигул Бойсарова.

Меҳр-оқибат, бағрикенглик, саховат халқимизнинг қонқонига сингиб кетган қадриятлардан. Ҳарбийлар болаларга ҳар хил ўйинчоқлар, компютерга мўлжалланган дисклар ҳадя қилдилар.

— Бундан кейин ҳам тарбияланувчилар билан тез-тез учрашиб туришни режалаштирганмиз, — дейди капитан Рустам Ҳамидов. — Ўйлайманки, самимий мулоқотларимиз ёшлар қалбида келажакка ишонч, она Ватанга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Уч авлод учрашуви

Баҳор атрофга ям-яшил сепини ёйган айни дамларда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши ўқув муассасаларида узоқ вақт меҳнат қилган фидойи педагог аёллар, айни дамда ҳам меҳнат қилаётган тажрибали ўқитувчилар ва соҳага эндигина кириб келган ёшлар ўртасида «Уч авлод учрашуви»ни ташкил этди.

— Фахрий аёлларни ва ёшларни жамлаган, уларга ажойиб кайфият улашган ташкилотлардан хурсандмиз, — дейди Олтинкўл тумани бирлашган касаба уюшма кенгаши раиси Д.Соҳибова.

Бир пиёла чой атрофида ўтган тадбир байрам концертига уланиб кетди. Фахрий ўқитувчилардан бир гуруҳига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг совғалари тақдим этилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Қўшкўпир туманида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сервис соҳаси яхшиланмоқда

Айниқса, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган тадбирлар бир-биридан салмоқли. Имкониятлардан кенг фойдаланишга бел боғлаган тадбиркорлар орасида тўйхоналар, гузарлар барпо этиш орқали қишлоқларда турмуш маданиятини юксалтиришга улуш қўшишга бел боғлаганлар кўп.

Шунингдек, қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал суръатларда ривожлана бошлади. Яқин муддатда 50 дан зиёд ана шундай шохобчаларнинг ишга тушганлиги аҳолини мамнун қилди. Хусусан, «Қўшкўпиргазметан» МЧЖда бунёд этилган автотранспортларга метан газ қуйиш шохобчаси шу кунгача мижозларга 150 млн. сўмликдан зиёд хизмат кўрсатди. Ушбу шохобчанинг ишга тушиши 20 нафар ёшларни муқим иш ўрни билан таъминлади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Қурилишдаги қинғирликлар»

2009 йил 27 январ, 11-сон

Мақола вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан ўрганилди. Унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, бунга йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан чора кўриш бўйича тадбир ишлаб чиқилди.

Пахтакор туманидаги 8- ва 15-умумтаълим мактабларида аниқланган нуқсонлар қурилиш ташкилотлари томонидан белгиланган муддатда тўлиқ қайта бажарилди.

1-мактаб эса 2007 йилда капитал таъмирланган бўлиб, фаоллар зали ва ошхона жойлашган икки қаватли бино техник ҳолатига кўра яроқсиз бўлганлиги сабабли, капитал иш ҳажмларига киритилмаган. Мактаб учун спорт зали биноси қурилиши Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан келгуси йил «Манзилли дастур» шакллантирилишида инобатга олинади. Шунингдек, 13-мактаб биносининг дастурга киритилган ўқув блокидаги камчиликлар бўйича нуқсон далолатномаси тузилиб, бартараф этиш мақсадида смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

К.ЖЎРАЕВ,
Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари

«Армонимиз қачон ушалади?»

2009 йил 10 феврал, 17-сон

Мақола вилоят прокуратураси томонидан соҳа мутахассислари иштирокида ўрганилди. Аниқланишича, Шофиркон туман халқ таълими бўлимига қарашли 17-мактаб жамоаси 1928 йилда ёғоч конструкция ҳамда деворлари хом ғиштдан қурилиб, лойшувоқ ва оддий пардозланган бинодан фойдаланиб келган. 420 ўқувчига мўлжалланган иккинчи қисми эса 2004 йилда ишга туширилган.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар учун мутлақо шароит йўқлиги, яъни спорт ва мажлис заллари ҳамда ошхона бинолари мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Мазкур мактаб бино ва иншоотларининг талабга жавоб бермаслиги инобатга олиниб, 2009 йилги мукаммал қайта қуриш дастурига киритилган.

Ҳозирда 540 ўринга мўлжалланган 17-мактабни 309 млн. 400 минг сўмга қайта таъмирлаш ва 120 ўринли янги қурилиш объекти бўйича тендерда ғолиб чиққан бош пудратчи — «Шофиркон мукаммал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Ушбу объект 2009 йил 15 июнда фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Лойиҳа смета ҳужжатларига асосан ўқув блоки биринчи қаватида 7 млн. 200 минг сўм маблағ ҳисобидан 40 ўринга мўлжалланган буфет қайта қурилаётганлиги, бош режада эса ушбу мактабда мажлислар ва спорт заллари, ювиниш хоналари ҳамда 78 ўринли ошхона биноси келажакда қурилиши режалаштирилганлиги аниқланди.

И.НУРОВ,
Бухоро вилояти прокурори вазифасини бажарувчи, адлия катта маслаҳатчиси

Назорат кучайтирилди

Қоракўл тумани Човли ҚФйда яшовчи М.Орифхўжаев ва М.Каримовларнинг шаҳарлараро қатновчи транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатиш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги тўғрисида таҳририятга ёзган аризаси ИИВ ЙХХ Бош бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, йўловчи ташувчи транспорт воситалари устидан назоратни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан Бухоро вилояти ҳокимига, Қоракўл тумани ҳокимлиги ҳаракат хавфсизлиги комиссияси ва «Ўзавтодарётранс» агентлиги Бухоро вилояти бўлимига тақдимномалар киритилди. Шунингдек, «Мерседец-Бенц» русумли 11 Х 0073 давлат рақам белгили автобус ҳайдовчисига нисбатан маъмурий чора кўрилиб, автобусдан фойдаланиш вақтинча тақиқланди.

Б.ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Касабақўм

Жавлон ака дарвозадан кириб, қиблагоҳининг хонасига секин мўралади. Набижон ота кўзларини юмган кўйи тасбеҳ ўгириб ўтирарди. «Бироз чарчаган кўринадилар, ахир 102 ёшга киришнинг ўзи бўлмайди» кўнглидан кечди унинг. Ўғлини кўриб отанинг юзи ёришиб кетди.

— Кел, болам, кел, дуруст юрибсанми?

— Ўзингиз тузукмисиз, адажон? Бирор нарса керак эмасми?

Ота кулди:

— Керак эди. Сени кўриб, топгандек бўлдим.

Жавлон ака қушдек енгил тортиб, ишхонасига жўнади. Йўл-йўлакай ўтган кунларини, болалиги кечган йилларни, ота-онасини, уларнинг ўгитларини эслади.

Отаси 50 йил мобайнида ёш авлодга кимё фанидан сабоқ берди. Иккинчи Жаҳон уруши жанггоҳларидан омон чикди. Онаси Маъсудахон ая она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб, фарзандлари Жавлон ва Фаридани адабиётга, шеъриятга ошно этиб тарбиялади. У 95 ёшида дунёдан ўтди.

Эх-ҳе, уйланиши роса қизиқ бўлганди-да, ўзиям. Унга 15 қизни кўрсатишди. Кўркам, бироз ўзига бино қўйган Жавлонга уларнинг 14 нафари ёқмади, ўн бешинчиси эса уни ёқтирмади. Ниҳоят, 16-қиз Муҳайё билан юлдузлари юлдузларига тўғри келиб тўйлари бўлди. «Рафиқам топилмас аёл, назокатли, нафосатли, — мамнуният билан ўйлади. — Яхши яшаяпмиз, Яратганга шукр, ўғил-қизимиз ҳам оқибатли чиқишди, демак, тўғри тарбиялабмиз. Сардоргинам ҳам буткул соғайиб кетса эди...»

Сардор тўнғичи Равшаннинг ўғли, 4-5 яшарлигида оғир дардга чалиниб, шифохонага ётқизилган ва айрим шифокорларнинг фикрича, уч бор тиғ остида ётиши зарур эди. Бироқ ўз касбининг билимдони бўлган, забардаст бир жарроҳ Сардорни 1,5 соат давомида операция қилиб, ҳаётга қайтарди. У ҳозир 18 ёшга тўлди, соғлиги бироз заиф, лекин безовта қилмайди, ўзига эътиборли бўлиб юрса бас... Аммо бувасининг кўнглидан чиғиллик аримайди.

Идорада ҳали ҳеч ким йўқ эди, столига ўтирди-ю ишга тутинди. Яхшилаб тайёргарлик кўрмаса бўлмайди, Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашининг пленумида маъруза қилиши керак. Бир неча қоғозни қоралади, лекин ёзганлари ўзига ёқмай йиртиб ташлади ва ниҳоят шундай деб бошлади:

«Ҳурматли пленум аъзолари!

«Мадад» суғурта агентлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, таркибида 30 нафар аъзо бор. Илгари уюшма уй-жой, камёб буюмлар тақсимлайдиган, моддий ёрдам берадиган ташкилот деб ҳисобланган бўлса, бугунги кунда унга ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялайдиган суянч тоғи деб қаралмоқда».

Бу ёғи осон кечди, сўзлар равон келиб, амалга оширилган ва оширилажак ишларни қоғозга териб ташлади. Матнни яна бир кўздан ўтказаётганди, остонада Маъсума исмли фаррош аёл кўринди.

Касабақўм қоғозни четга суриб, уни илиқ қаршилади.

— Келинг, Маъсумахон?

Аёл нима деб сўз бошлашни билмагандек туриб қолди. Буни кўриб Жавлон ака кулимсиради.

— Тўй бошлаб қўйибсиз, деб эшитдим, муборак бўлсин! Бирор ёрдам керакми, синглим?

Олдин ҳам Маъсума уч қизини чиқарган, аммо ёрдам сўрамаган, бу гал дўппи тор келиб қолган, шекилли, касабақўмнинг қабулига келганди.

Жавлон ака агентлик раҳбари билан маслаҳатлашди. Пировардида Маъсумага икки ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳа, агентликда касаба уюшманинг ўз ўрни бор. Мана ишлаб-чиқариш гимнастикасини олиб кўринг. Аввалига «шу шартми» деганлар ҳам топилганди. Эндиликда иштирокчилар сони кун сайин кўпайиб бораётир. Гимнастика 15 дақиқа давом этиб, ходимлар бу машғулот мобайнида ўзларининг саломатликлари учун зарур машқларни бажаради. Спортнинг оғир вазнли тош кўтариш турига қизиқувчилар ҳам пайдо бўлаяпти.

Бошланғич касаба уюшма ҳаёти бевосита ташкил этилган «Ахборот» ойнасида ўз аксини топмоқда.

— Жавлон ака ўз ишига жуда масъулияти, инсон сифатида ҳам беназир, — дейди Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашининг ташкилий ишлар бўлим мудири Бахтиёр Дўстмуҳамедов.

Жавлон Шаропов Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгаши раёсатининг аъзоси ҳам.

Пойтахтга шом қуйилди, Жавлон ака дил-дилидан ўтган кундан қониқиш туйди: «Бугун анча иш битди.»

Эшик очилиб, мусаввир ўғли Мурод кўринди.

— Кетдикми, адажон? Бизни кутиб қолишди.

— Қизим Муқаддас ҳам келганми, набираларим-чи?..

— Ҳамма жамулжам, адажон, тезроқ борақолайлик. Бувамнинг жаҳллари чиқмасин яна, — деди ўғли отасини шошириб.

Бугун уларнинг уйида тантана, Жавлон аканинг туғилган куни. Эшикни қулфлаб, учинчи қаватдан илдам пастга тушдида ўғлининг машинасига ўтирди. Кўкда юлдузлар чарақлаб турар, радиода машҳур ҳофиз куйларди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»га жавоб берадилар

Қашқадарё вилояти Косон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 7-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси О.Шариповнинг таҳририятга йўллаган аризаси жойида ўрганиб чиқилди.

Шикоят исботини топмади

Мактаб раҳбарияти, касаба уюшма ташкилоти раиси иштирокида ариза юзасидан тушунча берилаётган вақтда О.Шарипов сабабсиз кетиб қолган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли тартибда далолатнома тузилган.

Косон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаб жамоаси умумий йиғилиши чақирилиб, ариза ўқиб эшиттирилган. Жамоа аъзолари ушбу аризадан хабари йўклиги, туман бирлашган касаба уюшмаси фаолиятидан норози эмасликлари, педагог ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси юзасидан ҳеч қандай эътирозлари йўқлигини баён этганлар.

2003-2008 йиллар давомида икки киши сиҳатгоҳга йўлланма сўраб касаба уюшмасига мурожаат қилган ва ушбу аризалар ижобий ҳал этилган. Айнан О.Шарипов 2005 йилда «Қашқадарё соҳили» санаторийсида даволанган. Шунингдек, 2008 йил Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 21200 сўм миқдоридаги қимматбаҳо совға билан рағбатлантирилган. Ўтган йил мактабдан туман бирлашган касаба уюшмаси қўмитасига тушган касаба уюшмаси аъзолик бадаллари тўғри тақсимланган.

Н.АКБАРОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси

Бухоро



Бухоронинг ўзига хос иқлим ва тупроқ шароити бор. Ёзда сурункали эсадиган гармсел, қишнинг қаҳратони, тупроқнинг шўрлиги, ер ости сизот сувларининг юқорилиги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунга қарамай, вилоят деҳқонлари ўзига хос тажриба мактаби яратишган. Шу боис муаммолар ўрнида бартараф этилиб, юксалиш сари дадил одимланмоқда.

Аграр соҳа равнақи

Масалан, 2008 йилда 962,3 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилди. Мўлкўлчилик яратишда иштирок этаётган 150029 нафар меҳнаткашнинг 145538 нафари касаба уюшма аъзосидир.

Бултур вилоятда 583,8 минг тонна ғалла етиштирилиб, унинг 138,5 минг тоннаси давлатга сотилди. Гектар бошига ҳосилдорлик 58,2 центнерни ташкил этди. «Кумуш тола» ижодкорлари шартнома режасини ортиғи билан бажардилар.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда шахсий секторнинг ҳиссаси ортмоқда. Жумладан, гўшт етиштиришнинг 96,7 фоизи, сутнинг 96,7 фоизи, тухумнинг 59,7 фоизи шахсий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, вилоятда 291.353 тонна сабзавот, 95.114 тонна картошка, 66.418 тонна полиз, 121.627 тонна мева, 73.529 тонна узум етиштирилгани ҳам аграр соҳанинг жадал ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Давр талабидан келиб чиқиб, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини оптималлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилиб, улар сони 6669 тага келтирилди. Эндиликда фермер хўжаликларимиз умумий ер майдони 864.329 гектарни, шу жумладан экин майдони 199.893 гектарни ташкил этади.

Вилоятда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг истиқболли режалари асосида қизғин иш олиб борилмоқда. Жорий йилда пахта майдони 5800 гектарга камайтирилиб, ғалла 4600 гектарга, мева-сабзавот экинлари 1200 гектарга оширилди.

342 минг тонна пахта, 570 минг тонна ғалла, 2850 тонна пилла, 663,8 минг тонна мева-сабзавот, узум, полиз маҳсулотлари ва картошка етиштиришни таъминлаш борасида амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг моддий манфаатдорлигини ошириб, турмуш фаровонлигини кўтариш йўлида уй-жойлар қуриш, йўлларни обод қилиш, табиий газ ва тоза ичимлик суви етказиб беришни таъминлаш саъй-ҳаракатлари келгусида ўзининг ижобий самарасини беради.

Абдусалом РАҲМОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси

Рақамлар тилга кирганда

2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат Дастурига мувофиқ вилоят бўйича туманлараро зовурларни мукаммал тиклаш 140,9 км., хўжаликлараро зовурларни мукаммал тиклаш 9484,6 км., хўжаликлараро зовур-дренаж тармоқларининг қурилишини 145,3 км.га етказиш кўзда тутилган.

* * *

2008 йилда 2 та янги мактаб қурилди, 21 таси капитал реконструкция қилинди, 25 таси капитал ва 47 таси жорий таъмирланди.

2008 йилда 401,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу — 2007 йилга нисбатан 106,9 фоизни ташкил этади. Аҳоли жон бошига 254,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 105,7 фоизни ташкил этади.

Вилоят тижорат банклари томонидан 2008 йилда 3139 та оилага ўз маблағлари ҳисобидан 3620 миллион сўм ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 502,8 миллион сўм, яъни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига 4122,8 миллион сўм чорва моллари сотиб олиш учун кредит ажратилди ва режа 142,2 фоизга бажарилди.

Вилоятда қабул қилинган «Бандлик-2008» дастурига асосан йил давомида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 54266 та, шундан қишлоқ жойларида 37727 та янги иш ўринлари яратилди.

Касаначилик йўналишида 10.290 та иш ўринлари яратилган бўлса, уларнинг 4772 тасига аёллар жалб этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалиги ривожи яққол кўзга ташланмоқда. Бундай тараққиётни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Деҳқончилик маданиятини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси 2008 йилда 962,3 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконини берди. Салмоқли даромадда мулкдорлар — фермер хўжаликларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Ер деҳқонни боқади деҳқон эса элни

Оптималлаштиришдан кейин вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларидан бири сифатида елкасида мулкдорлик масъулияти турган «Азим — Шофиркон юлдузи» номи билан аталган жамоамиз турмуш фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келаяпти. Экин майдонларимиз чўл ҳудудида жойлашган. Тупроғи мураккаб — қум-шағалдан иборат. Бундай шароитда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо ҳар қандай машаққатларни енгишга қодир, иродаси мустаҳкам, матонатли аъзоларимиз йил сайин меҳнат муваффақиятларини кўпайтиришга эришмоқдалар.

Деҳқончилик учун жуда ноқулай келган бултурги шароитда 60 нафар ишчи, механизаторларимиз омилкорлик намунасини кўрсатишди. Пировардида чўл шароитидаги 240 гектар майдоннинг ўртача ҳосилдорлиги 60 центнерга етди. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган 100 гектар майдондан 300 тонна биринчи нав пахта йиғиштириб, давлатга сотдик. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотларимиз салмоғи ҳам чакки бўлмади. Умумий даромадимиз 242 миллион сўмни, соф фойдамиз эса 50 миллион сўмни ташкил этди.

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиши хўжалигимиз аъзоларини қувонтирди, уларга янги куч бағишлади. Оптималлаштириш жараёнида экин майдонларимиз кенгайтирилиб, 461 гектарга етди. Аъзоларимиз сафи ортди. Деҳқончилик маданиятини ошира бориб, янги қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олаяпмиз. Энди бу борада бировларнинг ёрдамига эҳтиёж қолмади. Янги молхонани тайёрлаб қўйдик, зотдор қорамолларни кўпайтирамиз.

Ҳадемай экин-тикин ишлари бошлаб юборилади. Пухта тайёргарлик кўрганимиз мавсумни намунали ўтказиш имконини беришига ишончим комил. Фойда ҳисобидан аъзоларимиз моддий манфаатдорлигини ошириш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқларимизни янада обод қилиш борасида ҳаракатларни давом эттираяпмиз.

Азим ЛАТИПОВ,
фермер, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Эл саломатлиги — қатъий вожибмиз

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ташкил қилинаётган қишлоқ врачлик пунктлари нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижий мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

«Саломатлик-2» лойиҳасига мувофиқ фаолият кўрсатаётган 388 та қишлоқ врачлик пунктларига ҳозиргача 2,2 млрд. сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар етказиб берилди. Эл саломатлиги йўлида амалга оширилаётган бундай ғамхўрлик, айниқса, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Эндиликда тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш учун туман марказига қатнашнинг ҳожати қолмади. Умумий амалиёт врачлари ҳар бир оила саломатлигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Барчага бепул ва самарали тиббий хизмат кўрсатадиган бундай ҚВПлар сонининг кўпайишига эътибор кучайтирилмоқда. Биргина 2008 йилда қишлоқ врачлик пунктларидан 13 таси капитал таъмирланиб, биттаси янгидан қурилиб, ишга туширилди.

Уларда иш олиб бораётган ҳакимлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг диққат эътиборида. Бултур 898 нафар ҳаким ва 3205 нафар ўрта тиббиёт ходимлари Тошкент шаҳри ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ўз билимларини мустаҳкамлашди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш сифати ва самарадорлиги янада оширилади, умумий касалликларни кескин камайтириш баробарида халқимизнинг узоқ умр кўриш даражаси кўтарилишига эришилади.

Қишлоқ врачлик пунктларини махсус автотранспорт воситалари билан таъминлаш чақириқларга ўз вақтида етиб боришга замин яратса, замонавий ахборот технологияси воситалари билан жиҳозланиши шифокорларнинг мушкулини осон қилади, айни вақтда жаҳон тиббиёт соҳасидаги янгиликлардан хабардор этади. Шуни инобатга олиб барча ҚВП мудирлари, менежерларини меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига оид масалаларда ўқитишни ташкил қилиш учун вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши махсус дастур ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш борасида иш олиб борилмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси

Вилояти

Туманимиз таълим тизимида 2008 йилда муваффақиятлар кўп бўлди, десак муболаға бўлмас. 18-мактаб капитал реконструкция қилиниб, 215 ўринли қўшимча блок ҳамда спорт зали қурилди. Шунингдек, 4-, 36-мактаблар капитал, 27-, 28-, 40-мактаблар жорий таъмирланди. Уларнинг барчаси ўқув мебеллари, лаборатория асбоб-ускуналари, спорт жиҳозлари ва компютер мажмуаси билан таъминланди.

2009 йилнинг 1 январ ҳолатида вилоят аҳолиси 1587,4 минг кишини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 21,2 минг кишига кўпайди. Аҳолининг 71 фоизи қишлоқда яшайди.

Аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи 2007 йилга нисбатан 150,1 фоизга ўсди ва 2008 йил ҳолатида 423,4 минг сўмни ташкил қилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида 542 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 283,5 минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Умумий ўрта таълим 4 тилда: ўзбек, рус, қозоқ ва тожик тилларида олиб борилади.

Фахр этамиз сен билан, Ватан!

Бугун ёшлар ана шу олий туйғу билан яшамоқда

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш борасида ўқитувчи-тарбиячиларимиз изланувчанлик ва ижодкорлик билан қизғин иш олиб бормоқдалар. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларимиз вилоят олимпиадасида фаол иштирок этиб, 30 нафари биринчи ва иккинчи даражали дипломлар билан тақдирланди. Бугун туманимиз ёшларини нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда танишмоқда.

20-мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Маҳбуба Ҳамроева Республика олимпиадасида инглиз тили фанидан биринчи ўринни эгаллагани ҳолда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига имтиёзли қабул қилинди. Мазкур мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Меҳриддин Шаҳриев ҳамда 2-мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Азизбек Ҳайдаров 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг бронза медалига сазовор бўлишди. 16-мактабнинг собиқ ўқувчиси Ришод Собиров Пекинда ўтказилган 29-ёзги олимпиада спорт ўйинларида дзю-до бўйича бронза медалини, 2009 йил феврал ойида Германияда ўтказилган нуфузли халқаро турнирда олтин медални қўлга киритди. 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталиши муносабати билан турли-туман маънавий-маърифий, оммавий спорт тадбирлари, «Қишлоғингиз тарихини биласизми?» каби танловлар ўтказилмоқда. Кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, бу хайрли юмушларда зиёлилар бош-қош бўлишаётир.

Жамол АШУРОВ,
Жондор туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Фаровонлик бош мақсади

Маҳалла равнақи — юрт равнақи

Бугунги кунда вилоятимизда 546 та ўзини-ўзи бошқарув органлари фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, жамият бошқарувининг ўзбекона модели — маҳалла тизимининг юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тобора ёрқинроқ кўзга ташланмоқда.

Кейинги уч йилда вилоятда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 81 тага кўпайди. Шаҳар ва туманларда юзга яқин маҳалла марказлари қурилиб, уларда ҳомийлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 300 дан ортиқ савдо, 196 та маиший-хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, 40 километрдан ортиқ табиий газ, 20 километрдан зиёд тоза ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Ўтган йилда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси учун 172,6 миллион сўм маблағ сарфланди. 68 йўналиш бўйича 285 нафар уста-мураббийларга 3920 дан ортиқ йигит-қиз шогирдликка бириктирилиб, касб-ҳунар ўргатилди. 130 та ёш оилага 8,5 миллион сўмлик маиший-техника, уй-рўзғор буюмлари, кам таъминланган, кўп болали оилаларга 88,9 миллион сўмлик, 318 бош қорамол тарқатилди.

Бўлимимизнинг турли жамоат тадбирлари, тизимда ташкиллаштирилаётган танловларда иштироки ҳам яхши натижа бераяпти. Жумладан, республика миқёсидаги «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» кўрик-танловида Қоровулбозор туманидаги Ал-Бухорий номидаги МФЙ, «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Галина Эргашева иккинчи ўринни эгаллади. «Маҳаллам тарихини ўрганаман« танловининг республика босқичида Когон шаҳар Бобур номидаги МФЙ жамоаси ғолибликка эришди. «Футболимиз келажаги» спорт мусобақасининг 15-16 ёшлилар гуруҳида эса Жондор МФЙ биринчи бўлди.

Айни кунларда янгидан сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш, мавжуд муаммоларни ечишга ҳар томонлама кўмаклашиш, хизмат ва сервис шохобчаларини кенгайтириш учун қишлоқ марказларини ташкил этиш, маҳалла гузарлари сонини янада кўпайтириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратишмоқда.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси

Равон йўллар ободлик нишонаси

Бир замонлар Буюк Ипак йўли карвонлари қўнғироқларини жаранглатиб ўтган Бухоро йўллари бугун янгича қиёфа касб этган. Бундай текис ва равон йўлларни барпо этишда ҳиссамиз борлиги алоҳида ифтихор уйғотади.

Вакиллигимиз 62 та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 6435 нафар аъзосини ўз сафига бирлаштирган. Эътиборли жиҳати, ходимларимизнинг 50 фоизига яқини мустақиллигимиз шарофати билан хусусий мулкка эга бўлган мулкдорлардир. Шу боис ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ижтимоий шерикчиликни такомиллаштириш мақсадида 49 та корхона билан шартномавий муносабатлар йўлга қўйилган.

Жамоа шартномалари орқали 2008 йил «Ёшлар йили» дастури бўйича 8 нафар ёшларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг 800 нафарига 21 млн. 217 минг сўм корхоналар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Давлат дастури доирасида йўлчилар ва автотранспорт соҳаси ходимларининг 73 нафари соғломлаштирилди ва бу мақсадлар учун 2837,6 минг сўм сарфланди. Автомобил йўллари касб-ҳунар коллежи турар-жойини таъмирлашга маъмурият томонидан 10 млн. сўм сарфланди.

Юртбошимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши касаба уюшмалари зиммасига ҳам юксак масъулият юклади. Давлат дастуридан йўл соҳасининг 597 км. бўлган умумий фойдаланувдаги маҳаллий миқёсдаги ва 1316,7 км. қишлоқ автомобил йўлларини таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланган. Бу вазифаларни бажаришда касаба уюшмалари жамоа шартномалари орқали йўл ва транспорт соҳаси ишчи-ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда қўшимча имтиёзларни белгиламоқда.

Шаҳодат ИХТИЁРОВА,
Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили

Спорт юртни жаҳонга танитади

Бултур ёз мавсумида оромгоҳларда 13821 нафар бола соғломлаштирилди. Уларнинг 170 нафари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, 4470 нафари кам таъминланган оилаларнинг болалари ва 206 нафари эса чин етим болалардан иборат бўлди. Қашқадарё ва Самарқанд вилоятининг сўлим оромгоҳларида Когон шаҳрилик 2113 нафар болаларнинг ҳам дам олишлари уюштирилди. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақалари ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. 2009 йилда 16450 нафар болаларнинг дам олишларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.



Касаба уюшмалари тасарруфида 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатиб келаяпти. Улар малакали мураббийлар билан таъминланган. 429 нафар ёшлар спортнинг енгил атлетика, бокс, теннис, эркин кураш, юнон-рум ва футбол турлари билан шуғулланишаяпти.

Касаба уюшмалари тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланаётган ёшларнинг маҳорати йил сайин ошиб, мамлакат ва халқаро мусобақаларда қатнашмоқдалар. Жумладан, эркин кураш бўйича Маъруф Нуруллаев Бокуда ўтказилган халқаро гран-при турнирида биринчи ўринни олди. Ихтиёр Наврўзов Туркияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида эркин кураш бўйича учинчи ўринни эгаллади. У Россиянинг Красноярск шаҳрида жаҳон Кубоги учун мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашди.

Енгил атлетикачи Зиёдулла Ҳайдаров, Маржона Йўлдошева, эркин курашчи Мурод Облоқулов, Ўктам Туев, Сирож Ҳасанов, юнон-рум кураши бўйича Фарҳод Жумаев, Шавкат Шарипов, Бекзод Исматов каби ёшларимиз республика мусобақаларининг совриндорлари бўлишди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ёшларни спортда оммавийликларини таъминлаш, уларни спорт ва спортчиларга бўлган ҳурматларини ошириш ҳамда тарғибот қилиш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Спорт юртни жаҳонга танитади» мавзуида вилоятдаги республика ва халқаро мусобақалар чемпионлари билан учрашувлар ташкил этиш каби кенг кўламли тадбирлар ўтказилади.

Махсуд ШУКУРОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири

Қўшсаҳифани «Ishonch» мухбирлари Иззатилла ХОЖИЕВ ва Амина ҚОДИРОВА тайёрлади

Мавзуни давом эттириб...

Локал ҳужжатлар мақоми

Биз ушбу мақолада корхонанинг фуқаровий-ҳуқуқий хусусиятдаги ҳужжатлари ҳақида эмас, бевосита меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар ҳақида сўз юритамиз. Адаштирмайлик, биринчиси Фуқаролик кодекси, иккинчиси Меҳнат кодекси билан тарибга солинади.

«Жамоа шартномасида келишилганмиди?» мақоласи эълон қилингандан сўнг «Ishonch»га газетхонлар қўнғироқ қилишиб, миннатдорчилик билдиришди. Ўқувчиларга маъқул бўлгани яхши. Аммо ўзимнинг кўнглим тўлмаган эди. Назаримда, айрим масалалар очилмай қолгандай туюлди. Масалан, даъвогар, эҳтимол, меҳнат шартномасини кўзда тутган. Суд ички тартиб қоидаларидан далил келтирган. «Бир-бирини инкор этмайдими?», «Қайси бири тўғри?» деган саволлар туғилади.

Йўқ, инкор этмайди. Ҳаммасининг ҳам «бобоси-бувиси» — Ўзбекистон Конституцияси , «отаонаси» эса — Меҳнат кодекси.

Одатда, агар ҳужжатларда бир хил масала икки хил тартибга солинган бўлса, юқорироқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат қоидаларига амал қилинади, агар тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фарқ бўлса, охирги қабул қилинган ҳужжатга амал қилинади.

Иккита локал ҳужжатни қиёслайлик. (Баъзан «локал»нинг ўрнида «маҳаллий» сўзини ишлатишади. Маъноси яқин бўлсада, бу тўғримас. Гап меҳнат қонунчилиги тўғрисида борса, Меҳнат кодексига мувофиқ албатта «локал» сўзини ишлатган маъқул).

Жамоа шартномаси мазкур корхона иш берувчиси ва ходимлар билан меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат.

Ички меҳнат тартибининг қоидалари Меҳнат кодексига, меҳнат тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланишни, меҳнат интизомини ҳамда иш берувчи билан ходим ўртасида юзага келадиган бошқа ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Бироз чекиниш қилайлик. Биз бирида «норматив», бирида «меъёрий» деган атамани ишлатдик. Биз эмас ҳужжатларнинг ўзида шундай ишлатилган. Қайсини қўллаган маъқул ўзи? 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 160- рақамли қонун «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» деб аталади. Меҳнат кодекси 1995 йилда, Намунавий қоидалар 1999 йилда қабул қилинган. Демак, 2000 йилдан бошлаб «норматив» деган атамани қўллаган маъқул.

Дарвоқе, Ички меҳнат тартиби қоидалари .У, оддий қилиб айтганда, меҳнат қонунчилигини ойдинлаштириб беради.

Баъзи хорижий мамлакатларда жамоа шартномасини «корхонанинг конституцияси» ҳам дейишаркан. Тўғри-да, мамлакат Конституцияни қабул қилишда умумхалқ, жамоа шартномасини қабул қилишда корхонанинг меҳнат жамоаси иштирок этади. Конституция олий давлат вакиллик органлари томонидан қабул қилинса, жамоа шартномасини бир тарафдан-ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ваколат берган бошқа вакиллик органи, иккинчи тарафдан бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар имзолайди. Жамоа шартномаси, энг муҳими, меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида маъқулланганидан кейин норматив мажбурий кучга киради. Бу ҳужжат меҳнат жамоасининг ҳоҳишини ифодалайди, яъни у умумий йиғилишида қарор қабул қилиш орқали ўз ваколатини амалга оширади. Фақат меҳнат жамоаси жамоа шартномаси шартлари ижроси учун масъул шахсларнинг ҳисоботини эшитиш ваколатига эга. Мана бу «корхона конституцияси»нинг демократик хусусияти. Яхшилиги шундаки, бунда корхонадаги вазиятдан келиб чиқиб (бозор иқтисодиёти шароитида бу табиий), қонунларда белгиланган қоидалардан кўра имтиёзлироқ шарт-шароитлар белгиланиши мумкин. Касаба уюшмаларининг иш берувчи билан муносабатлари жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари билан белгиланади. МКнинг 34-моддасига кўра, касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига мувофиқ мулкдор ёки у вакиллик қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт. (Келгуси мақолаларда бу ҳақда батафсилроқ тўхталамиз).

Ички меҳнат тартиби қоидалари Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган намунавий қоидаларга мувофиқ тайёрланадиган, ходимлар вакиллик органининг розилиги билан корхона раҳбари имзолагандан сўнг кучга кирадиган ҳужжат.

Жамоа шартномасини оқилона музокара олиб бормасдан, номигагина тузилиши, адолатга эмас, ноинсоф тарафнинг «енгиб» чиқишига хизмат қилиши мумкин.

МКнинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишуви ва жамоа шартномалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади дейилганлиги ҳам биз қайд этган ҳужжатнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамоа шартномалари тарафлари томонидан меҳнат вазифаларининг ҳалол ва виждонан бажарилиши, оқибатда, нафақат ходимлар фаровонлиги, балки меҳнат соҳасида қонун устиворлигининг ҳам негизидир.

Довуд МАДИЕВ,
ҳуқуқшунос-журналист

ТМЭК қандай даргоҳ?

Ногиронлик қандай расмийлаштирилади?
Хусан МУҲАММАДИЕВ, Чирокчи тумани

Саволга Тошкент шаҳар Ҳамза ва Бектемир туманлараро 13-сонли ТМЭК раиси Миссирия АБДУЛЛАЕВА жавоб беради:

Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Тиббий меҳнат экспертиза хизмати тизимидаги мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади.

ТМЭК бирламчи туман, туманлараро махсус (кўз касалликлари, травматологик, кардиологик, онкологик, ўпка касалликлари, психиатрия бўйича) юқори турадиган Бош ТМЭКларга ажратилади.

Шахсни ногирон деб топиш учун мазкур комиссия қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— шахснинг меҳнатга лаёқатлик ҳолатини, ногиронлик гуруҳи, сабаблари, бошланиш вақти, муддатини аниқлайди;

— меҳнат шароитлари билан боғлиқ шикастланиш ва касб касалликларида иш қобилияти йўқолганлик даражасини белгилайди;

— ногиронлар тиббий ва ижтимоий меҳнат реабилитациясига оид чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

— протез-ортопедия буюмлари, ногиронлик аравачалари ва бошқа техник воситаларга муҳтожлигини аниқлайди. Оғир беморларни уй ёки стационар шароитида кўриб, хулоса чиқаради.

ТМЭКга кўрикдан ўтиш учун 16 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқаролар доимий яшайдиган жойига бириктирилган даволаш муассаса йўлланмаси билан келади.

Меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражасига қараб кўрикдан ўтувчига ногиронликнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи гуруҳи белгиланади.

Ногиронлик белгилашда касалликнинг характери, функциялар бузилиш даражаси, даволаниш самарадорлиги, компенсатор механизмлар ҳолати, клиник, меҳнат прогнози, ижтимоий мослашиш имконияти, меҳнатининг аниқ шарт-шароитлари, касбга тайёргарлиги ва ёши эътиборга олинади.

Ногиронлик гуруҳи бир йилга, 2 йилга ва муддатсиз белгиланиши мумкин. Бу муддатлар тугагач, даволаниш мобайнидаги ўзгаришларни аниқлаш учун бемор яна комиссия кўригидан ўтмоғи лозим.

Тиббий меҳнат эксперт комиссияси кўригидан ўтган беморга ногиронлик ҳақидаги маълумотноманинг бир қисми берилади. Маълумотноманинг иккинчи қисми Ижтимоий таъминот бўлинмаларига 5 кун ичида етказилади.

Бирламчи комиссия қароридан норози бўлган бемор бир ой мобайнида Бош ТМЭКга мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолларда бирламчи комиссия ҳужжатлари асосида Бош ТМЭК беморни 15 кун ичида қайта кўрикдан ўтказиб, хулоса беради.

Хушхабар

Уч нафар эгизак дунёга келди

Яқинда пойтахтимиздаги туғруқхоналардан бирида бир йўла уч нафар эгизак дунёга келди. Эгизакларнинг бахтли онаси — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тасарруфидаги болалар шифохонаси ҳамшираси Матлуба Асқаралиева. Қарангки, бу оилада бундан бир неча йил олдин ҳам икки нафар эгизак — Фотима ва Зуҳра туғилган эди. Энди ушбу хонадонда беш нафар эгизак фарзанд тарбияланмоқда.

Матлуба Асқаралиева 1993 йилдан буён шифохонада ишлаб, айни вақтда олий тоифали ҳамшира сифатида хизмат қилмоқда. Шу билан бирга у ҳақиқий она ва оила бекаси ҳамдир. Тўнғич қизлари Фотима ва Зуҳра ҳозир 1-синфда ўқияпти. Эгизакларни ажратиб олиш қийин, бир-бирига худди икки томчи сувдек ўхшайди. Уларнинг билим олишга бўлган чанқоқлигини кўриб, ҳавасингиз келади.

— Оллоҳга шукур, фарзандларимнинг барчаси соғ-саломат, —дейди шодлигини яширолмай бахтиёр она. — Уларни ватанимизнинг муносиб ўғил-қизлари бўлиб вояга етишлари учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Оналик ва болаликка кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистон темир йўллари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Қизил ярим ой жамиятининг темир йўл кенгаши фаоллари қутлуғ хонадонга бориб, 500 минг сўм пул мукофоти, болалар аравачаси ва қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Биз қишлоқда яшаймиз

Гувалак — Косон туманидаги чекка қишлоқлардан бири. Сершира узумлари билан машҳур бу маскандан кўплаб донгдор кишилар етишиб чиққан. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарди. Замонавий коллеж ва умумтаълим мактаблари қад кўтарди. Ўнлаб савдо шахобчалари, кичик корхоналар фаолиятини бошлади.

Гувалакнинг чемпион қизлари

Бундан тўрт йил муқаддам болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

— Айни кунда мажмуамизда ташкил этилган кураш, самбо, дзю-до, таэквандо, гимнастика, шахматшашка тўгаракларида олти юздан зиёд ўғил-қиз шуғулланмоқда, — дейди биз билан суҳбатда мажмуа директори Ўктам Султонов. — Алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли қишлоғимиздан чиққан ўнлаб довруқли спортчилар жаҳон ареналарида маҳоратларини намойиш этишаяпти.

Тажрибали мураббий, «Шуҳрат» медали соҳиби Пўлат Омонқуловни воҳада яхши билишади. Шогирдларининг жаҳон, Осиё, республика чемпионатлари, халқаро турнирларда ғолибликни ва совринли ўринларни қўлга киритаётганлиги унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

— Спорт соғлом келажакка мустаҳкам пойдевор яратади,— дейди Пўлат ака. — Жисмонан бақувват, руҳан тетик баркамол авлодни вояга етказишга ҳисса қўшаётганлигимдан бахтиёрман.

Ҳақиқатдан ҳам Пўлат ака Омонқулов устозлик қилаётган спортчилар йирик мусобақалардан медаллар шодаси билан қайтишмоқда. Гувалакликлар миллий кураш бўйича жаҳон чемпионлари Машҳура Мавлонова, Ўғилой Нуралиева, самбо кураши бўйича қитъа биринчилиги ғолиблари Динара Донаева, Дилафрўз Абдураҳимова, Соҳиба Эштемирова билан ҳақли равишда фахрланишади. Ушбу спорт тўгарагидан етишиб чиққан Марина Қодирова, Дилшода Ҳазратова, Гулруҳ Раҳмонова, Фазилат Омонқуловаларнинг маҳоратига тан бермай иложингиз йўқ.

Спорт мажмуасининг бадиий гимнастика тўгарагида 250 нафар қиз қатнашади. Ёшларга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Сабоҳат Одилова раҳбарлик қилади.

Ёш мураббийнинг фидойи меҳнати самара бермоқда. Бундан бир йил муқаддам у икки нафар шогирдини Германияга халқаро гимноэстрада фестивалига олиб борди. Ўшанда 11—12 ёшли спортчилар орасида Моҳичеҳра Аминова, Шоҳсанам Зиётова турли мамлакатлардан келган тенгдошларидан асло қолишмай, ҳаммани ром этишди.

Бадиий гимнастика мажмуасидамиз. Кийими ўзига ярашиб тушган ёш қизларни ҳақиқий спорт маликаларига қиёслагулик. Дадил ва чаққон ҳаракатлари билан сизда ўзгача таассурот қолдиради.

— 2006 йилда Германия давлатининг Кёлн шаҳрида бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақада қатнашган эдим, — дейди Сабоҳат Одилова ғурур билан. — Ўзбек халқ мусиқаларига мос чапаклар чалиб ижро этган машқларимизни хорижликлар юқори баҳолашди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Талабанинг иккинчи уйи

Инсон қаерда яшамасин, ҳаловат, осудалик ҳамда шароит бўлиши керак. Самарқанд вилоятидаги олий ҳамда ўрта махсус таълим даргоҳлари ана шунга эришиш учун астойдил интилмоқда.

Ҳудуддаги олийгоҳлар ва ўрта махсус касб ҳунар коллежларининг 125 минг нафар талабалари ётоқхоналарда истиқомат қилишади. Хўш, бу гўшадаги шарт-шароит қандай? Талабаларнинг иккинчи уйи касаба уюшмалари назоратига олинган бўлиб, мунтазам равишда турли тадбирлар ташкил этилаяпти. Амалдаги ўқув йили бошида ҳам «Энг намунали ётоқхона» танлови доирасида бир қанча ишлар қилинди. Даставвал тармоқлар таснифига кирувчи таълим даргоҳлари ўртасидаги беллашувда намуналилари аҳралиб чиқди. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этишга номзодлар оз эмасди.

— Тармоқлар касаба уюшмаси таснифидаги танлов ўтган йил кузкиш ойларида поёнига етганди, — дейди кўрик-танлов ташкилий комиссияси раиси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Мирза Ҳаитов. — Танлов боис ҳар бир ётоқхонадаги шарт-шароитлар яхшиланаяпти. Соҳа мутасаддиларнинг эътибори бу масалага қаратилаяпти. Энг манзур жиҳати шундаки маърифий ишларни иккинчи уйга кўчириш имкони туғилаяпти.

Касаба уюшмалари бирлашмаси соврини учун ҳудуддаги барча ётоқхоналар шарт-шароити ўрганилди. Озодалиги , орасталиги, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишдаги уюшқоқлиги, ёшларни соғломлаштириш ва спорт оммавийлигини таъминлаганлиги учун Самарқанд тиббиёт олийгоҳи ётоқхонаси энг намунали ётоқхона деб топилди. Ётоқхонага биринчи даражали диплом ҳамда рангли телевизор топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Самимият бекати

Болалигимиз ўтган қишлоқда бир қўшнимиз бўларди. У ҳақда кўп эслайман. Ундаги ғайрат, меҳр, самимият, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик кишини ҳайратга солади.

Чеча

Асли Украинанинг Грезла қўрғонида туғилиб ўсган Зинаида Вусалевич тақдир тақозоси билан Сайхунобод туманининг Ачҳоб қишлоғига келиб қолганини то ҳануз мароқ билан эслайди. Нима қилсин, у яшаётган шаҳарчанинг чеккасидаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган Қарши исмли мард, танти, кўнгли тоза ўзбек йигити юрагидан урган эди-да...

Кўп ўтмай, 1958 йили тўйлари ҳам бўлиб ўтади. Хизмат муддати тугагач, қишлоққа қайтишди. Ширин турмуши давомида икки ўғил, икки қизни тарбиялашди. Фарзандлари ҳам бугунги кунда ҳаётда ўз ўрнини топиб, буви, бува даражасига етмоқда. Уларнинг исмлари — Райҳон, Турсунбой, Жўрақул, Лола. Келинкуёвларининг ҳам барчаси ўзбек.

Зина опага қишлоқда ҳамманинг ҳаваси келарди. Сабаби, ўта меҳнаткаш, ҳар бир ишини одамнинг ҳавасини келтириб бажарарди.

Ҳовлисидаги бир гектарга яқин ердан шу қадар унумли фойдаланардики, йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Томорқа экинларидан ташқари қўй, сигир, товуқ, нутрия, асалари, қуён боқар эди.

Яна 4-5 сотих ерда энг сара навли атиргулларни етиштирарди. Кўчасидан ўтган кишининг баҳри дили очиларди.

У киши ўта камғап инсон бўлиб, кўнгли эзгуликларга тўла эди. У қишлоқ аёллари гилам тўқиса тўқиди, урчуқ йигирса йигирди. Ундан ташқари, тикиш-тўқишнинг ҳам устаси эди.

Умрни оқар дарёга қиёслашади. Онахон ҳозир 73 ёшда. Ўзининг кенг феъли, қолаверса, бир ўзбек йигитига вафодорлиги, меҳру оқибати орқали катта қишлоқнинг ҳурматли момоси, чечаси, холасига айланди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Футбол

Ҳозирча ҳисоб – 2:1

Осиё майдонларида Чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги учун гуруҳ ўйинлари бошланди.

Тошкентнинг «Пахтакор» клуби Абу-Даби шаҳрида шиддаткор ўйин намойиш этиб, «Ал-Аҳли» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувнинг илк дақиқалариданоқ футболчиларимиз ташаббусни қўлга олишди. 25-дақиқада ажойиб тўп оширилишидан кейин Илдар Магдеев рақиб жарима майдони ичига ёриб кираётганда қўполлик билан тўхтатилди. Уммонлик ҳакам эса 11 метрлик нуқтани кўрсатди. Ярим ҳимоячи Одил Аҳмедов аниқ зарба билан ҳисобни очди – 0:1. 56-дақиқада Дилшод Шарофитдиновнинг ўрнига майдонга тушириган Зайниддин Тожиев ҳам кўп ўтмай ўз ҳисобига гол ёзиб қўйди. Ўйин охирларида Хосни Абдрабу «Пахтакор» дарвозабонини ранжитган бўлса-да, бу тўп якунда ҳеч нарсани ўзгартирмади. Мамлакатимиз чемпиони Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси ҳам ўз майдонида мазмунли ўйин кўрсатди ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» футболчилари устидан 2:1 ҳисобида устун келди. Учрашувдаги ҳар учала тўп ҳам бош билан киритилгани эътиборлидир. «Ал-Иттифоқ» дарвозасига икки тўп киритган Анвар Солиев Осиё Чемпионлар лигаси турниридаги голлари сонини 12 тага етказди ва тўпурарлар рўйхати карвонбошиси жанубий кореялик Ан Чжун Хванга етиб олди.

Ўзбекистон чемпионати бронза медали соҳиби, Фарғонанинг «Нефтчи» клуби эса ОФК Кубогидаги дебютини жуда омадсиз тарзда бошлади. Юрий Саркисян шогирдлари Ливаннинг «Ал-Аҳад» жамоасига қарши кечган учрашувда 1:5 ҳисобида ўйинни бой берди. Гарчи 37-дақиқада Алишер Холиқов ҳисобни очган бўлсада, танаффусга қадар вазият ўзгарди. Аҳмад Зрейкнинг тўп узатишидан кейин Солиҳ Садир мувозанатни тиклади – 1:1. Иккинчи бўлим бутунлай мезбонлар устунлигида ўтди. Муҳаммад Халави жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса, Жуниор да Сильва ҳисобни 3:1 га етказди. Аҳмад Зрейк 60-дақиқада тўртинчи, Солиҳ Садир эса пенальтидан бешинчи гол муаллифига айланди. Энди 17 март куни Юрий Саркисян шогирдлари Яманнинг «Ал-Тилол» клубини қабул қилади. Яманликлар 1-турда Баҳрайннинг «Бусайтин» жамоасини қабул қилиб, 1:3 ҳисобида имкониятни бой берганини инобатга оладиган бўлса, улар ўртасидаги баҳс муросасиз кечишини башорат қилиш мумкин.

Сарлавҳани бежиз «Ҳозирча ҳисоб—2:1» деб қўймадик. Изоҳга ҳожат йўқ. Икки жамоамиз муваффақият қозонган бўлса, учинчи вакилимиздан омад очиқчасига юз ўгирди. Бироқ ҳали марра узоқ. Манзилга мардона тарзда, ғолибона кайфиятда етиш учун эса имконимиз ҳам, умидимиз ҳам йўқ эмас.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Маданият хабарлари

Шоир билан учрашув

Андижон вилоят тиббий реабилитация шифохонасида Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Холдорнинг ижодига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда шифохона маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи У.Жўраева ва бошқалар шоирнинг асарлари ҳақида атрофлича фикр юритдилар. Учрашув охирида шоир янги шеърларидан ўқиб берди ва икки жилдли «Сайланма» китобини шифокорларга туҳфа қилди.

Ж.ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Гўзал васфи

Шоир Ўроқ Саиднинг «Насаф» нашриётида чоп этилган «Гўзал васфи» китобида аёл гўзаллиги, муҳаббат васф этилади. «Гўзалликка ошуфталик бўлмаганда, эҳтимол, шеърият ҳам, санъат ҳам бу қадар такомил топмас эди», — деб ёзади адабиётшунос Поён Равшанов китобга ёзган сўзбошида.

Ёши улғайган, тафаккури юксалган шоирнинг беғубор ёшлик, севги изтиробларини ёниб куйлаши ўзбекнинг кўнгли қаримаслиги, гўзаллик фидойиси бўлиб қолишига ишорадир.

Довуд МАҲДИЙ

Энг фаол жамоа

Миллий урф-одат, маросим ва анъаналар замирида ҳаётнинг теран ҳақиқати мужассам бўлиб, кундалик ҳаётимизни жонлантириб туради.

Зомин туманидаги «Зомин сайқали» фолклор-этнографик халқ ансамбли ўз репертуарларини мақом, рақс, аския ва халқ ўйинлари билан бойитиб келмоқда. Етти йилдирки, жамоанинг ўн икки нафар санъатсевар онахон, опа-сингил ва йигитлардан иборат аъзолари , «Зоминча ўлан», «Бўз бола», «Жақида», «Солай-солай» каби кўплаб қўшиқларини ижро этиб келмоқда. Улар қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб миллий кийим-кечак, гилам тўқиш дастгоҳи, ип йигириш урчуғи, кели, кади ва шу каби саҳна жиҳозларини тўплашди.

Ансамбл 2003 йилда Сурхондарёда ўтказилган «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивалида иштирок этиб, Жанубий Корея республикасига йўлланмани қўлга киритди. 2008 йилда эса Қашқадарёнинг Китоб туманида ўтказилган «Асрлар садоси» халқаро фолклор фестивалида ҳам қатнашди. Шунингдек, республика телерадиокомпаниясининг «Олтин бешик», «Остонаси тиллодан», «Икки дарё оралиғида» каби кўрсатувларида куй ва қўшиқларини намойиш этишди ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўлан айтгали келдик» республика фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Республика миқёсида ўтказилаётган «Диёр оҳанглари» телевизион фестивалларида ҳам ҳар йили мунтазам қатнашиб келади. Айни кунда халқ ансамбли фаолиятида Дилрабо Қурбонова, Нишоной Урдушева, Дилафрўз Мусаева, Турсунқул Мавлонов, Одилжон Баҳриддинов каби санъат шайдолари бу юртнинг боболари ва момоларидан мерос қўшиқларини сайқаллаб, санъатимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Қўшиқ — бу илоҳий кучга эга бўлган туйғу, — дейди ансамбл бадиий раҳбари Мамлакат Бўронова. — Бу ҳар бир ижрочидан истеъдодни талаб этади. Буни масъулият билан ҳис қилган ҳолда репертуарларимизни бойитиб келмоқдамиз. Жамоамиз 2008 йил натижаларига кўра, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Йилнинг энг фаол фолклор жамоаси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Абдулла САИДОВ

Суратда: фолклор-этнографик халқ ансамбли иштирокчилари

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ва кенгаш тасарруфидаги туманлар бирлашган касаба уюшма ташкилотлари жамоалари Собир Раҳимов тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Гулнора Алимуҳамедовага акаси

Рустам ҚОДИРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқлар дўстлиги» кўчаси 8-А уй, 23-хонадонда яшовчи Мустафаева Азиза Алишеровна номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Инсонга наф келтириш. O'K.U.F. F.T.U.U. Олий вахт

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.40

Буюртма Г — 214

20767 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

256